

Пудрат шартномаси

2-сон

2022 йил “15“ сентябр

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритиладиган “Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети” номидан Низом асосида иш кўрувчи ректор Шерзодхон Қудратхўжа бир томондан ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритиладиган “Ozod Eko Vent” ХК номидан Низом асосида иш кўрувчи Жохоналиев О. иккинчи томондан “Ўзбекистон журналистика оммавий коммуникация университети таъмирлаш ишлари” га доир мазкур пудрат шартномасини туздилар.

1. Таърифлар

1. Мазкур шартномада тарифлар қулланилади:

“ижро ҳужжатлари”: - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун маъсул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларини бажаришда қўлланилган материаллар, конструкция ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисида далолатномалар, айрим маъсулиятли конструкциялар оралиқ даврда қабул қилиниши тўғрисида далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг якка тартибдаги синови тўғрисида далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда курилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар:

“беркитилган ишлар”:- сифати ва якунлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар:

шартномани нархини бўлиб чиқиши: ишларнинг ҳар бир босқичи ёки турлари кийматининг аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектни умумий кийматини босқичларга тақсимлаш.

II. Шартнома мавзуси

2 Пудратчи мазкур шартнома бўйича объектда курилиш ва таъмирлаш ишларини смета ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолда бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига бажариладиган ишлар учун зарур шароитлар яратиш, бажарилган ишларни қабул килиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. Шартнома бўйича ишлар қиймати

3. Мазкур шартнома бўйича пудратчи томонидан бажарилган тендер натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил “12” сентябрдаги “1” сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йигимлар ва ажратмаларини ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 492 574 656 (Тўрт юз тўқсан икки миллион беш юз етмиш тўрт минг олти юз эллик олти) сўмни ташкил этади.

3.1. Ишлар қиймати узил-кесил хисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

3.2 Тегишли асослар мавжуд бўлганда ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. Пудратчининг мажбуриятлари

4.1 Пудратчи мазкур шартнома шартларини сўзсиз бажаради

4.2. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг 2-бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

4.3 Объектдаги қурилиш ишлари бошланишдан олдин объектда қурилиш ва таъмирланни олиб бориш даври учун, буюртмачи иштирокида қурилиш ва таъмирланни ишлари бўлаётган ва ундаги мавжуд элементларини далолатнома асосида объектдан фойдаланувчи ташкилотдан қабул қилиб олади ва таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг фойдаланувчи ташкилотга топширади. Пудратчи томонидан қурилиш ишлари олиб борилаётган даврда ушбу объект қисмидаги элементларини саклаш ишларини амалга оширади;

4.4 Ушбу қурилиш обьектини қуриш даврида электр энергияси, сув ва табиий газдан фойдаланиш зарурияти бўлган тақдирда белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан шартнома тузиш, тўловларини амалга ошириш, зарур ҳолларда айrim иш турларининг бажарилишида смета ҳужжатларида белгиланган машина-механизмлар ўрнига, ўриндош машина-механизмлардан фойдаланиши, белгиланган сифат ва технологик жараённинг бузилмаслигини кўрсатувчи сифат лабораторияси ва лойиҳачи ташкилотнинг тегишли холосаси асосида амалга оширилиши мумкин, хар кандай иш туридаги ушбу ўзгаришлар юзасидан Буюртмачини хабардор қилиш;

4.5 смета ҳужжатларида бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли қилиб бажарилиб, айrim иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларнида кўзда тутилган маблағлардан амалда иктисад қилинса, ушбу маблағни айrim харажатлар бўйича қурилиши мумкин ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қонлаш учун обьектининг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор килган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турлари танлов иш ҳажмларида бўлса нархлари танлов нархларидан олиниши, агарда танловда бўлмаса смета-хужжатларидаги нархлардан олиниб, бажарилган ишлар ҳисобфактурасида кўрсатилиши лозим.

4.6 обьектининг ижро ҳужжатларини расмийлаштириш ва буюртмачига топшириш, қурилиш материалларининг мувофиқлик сертификати, ишлатилган қурилиш материаллари ва ускуналарнинг техник паспортини тақдим этади;

4.7 шартнома шартларига асосан обьектни буюртмачига тасдиқланган лойиҳага мувофиқ тошириди;

4.8 барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унинг 1-иловасида белгиланган ишларни бажариш жадвалида назарда тутилган ҳажм ва муддатларда, ўзининг кучлари билан қурилиш қондалари ва меъёрларига, белгиланган стандартларга амал қилган ҳолда сифатли бажариш ҳамда ишини Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ тошириди;

4.9 обьектга зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, бошка хом-ашёлар ва қурилиш техникасини ўз вақтида ҳамда зарур ҳажмларда етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва саклашни амалга оширади;

4.10. зарур ҳолларда қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуради;

4.11. қурилиш майдонида техника ва ёнғин хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дараҳтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлайди;

4.12. мазкур шартнома бўйича обьектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой муддатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик биноларни бўшатади;

4.13. қурилиш майдони кўрикланишини таъминлайди;

4.14. Ойма-ой ёки бир ой давомида бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан мониторинг холатга хисоб-фактурасини ойнинг 25 санасигача Буюртмачига тақдим килади;

4.15. Объектда қурилиш ва таъмирлаш ишлари тўлиқ тугатилгандан кейин бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишлари юзасидан хисоб-фактурани тўлиқ тақдим килади;

4.16. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.17. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан зарур тарзда бажарилиши хамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавобгар хисобланади.

4.18. Бажарилган ва молиялаштириш учун қабул қилинган иш ҳажмларида арифметик хато ва бошқа камчиликларга йўл қўйилганлиги аниқланганда, кейинги ойларда бажарилган или ҳажмларига тегишли ўзгартиришлар (корректировка) киритилган ҳолда расмийлаштирилади.

4.19. Пудратчи мазкур шартномада кўрсатилган ишларнинг барча ҳажмини шахсан ўзи бажаради, кўйидаги холатлар бундан мустасно;

4.20. Шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлиқ ҳажмига кўра 60% кам бўлмаган микдорини ўзи ва қолган 40% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси ижро этувчи директорига килинган мурожаатга кўра ундан розилик хати олинганда;

4.21. Пудрат ташкилоти юқорида таъкиллаб ўтилган "Розилик хати"ни олиш учун, умумий иш бошланишидан олдин "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси ижро этувчи директорига "Мурожаатнома" билан мурожаат қилиши шарт;

4.22. Мазкур мурожаатномага ёрдамчи пудратчи ташкилотига доир хужжатларни илова қилини, агарда ушбу ёрдамчи пудратчи ташкилот ишини тўлиқ ва сифатли бажаришига шубха бўлиб, ишнинг бир қисмини бажаришга розилик хати берилмаган яъни рад жавоби берилган тақдирда, бошқа ёрдамчи пудратчи ташкилотлар бўйича таклифлар бериши ёки ўзи шахсан бажариши лозим.

4.23. Ушбу шартнома кучга кирган кундан бошлаб, қурилиш ишлари амалга оширилаётган жойлар ва унга туташ бўлган худудларда барча турдаги хавфсизлик конунчиллик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишини таъминлаш.

V. БУЮРТМАЧИННИГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

5.2. Ишлар бажарилиши устидан доимий техник назоратини ва мазкур шартномада кайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни, амалдаги конунчиллик хужжатларига мувофиқ равишда қабул қилиб олишини таъминлаш;

5.3. Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда кўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

5.4. молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига 2-иловага мувофиқ аванс берин ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

5.5. мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 20 кун давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро хужжатларини тақдим этиш;

5.6. мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1. Пудратчи мазкур шартномани имзоланган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.2. Пудратчи объектда қуриш ва таъмирлаш ишларини 2022 йилнинг “9” “октябр” кунига тугатиб, объектни сифатли ва тўлиқ қилиб (тегишли барча ҳужжатлар билан бирга) фойдаланишга топширади. Молиялаштириш ёки Буюртмачига тегишли бошқа сабаблар бўлганда “Yoshlar - kelajagimiz” жамғармаси ишчи танлов комиссиясининг қарорига асосан қурилиш ва таъмирлаш ишлари муддатига ўзгартиришлар киритилиши мумкин.

6.3. Пудратчи ишларни 25 кунда амалга оширади.

6.4. Ишларнинг бошланиши 2022 йил 15 сентябр, тугатилиши 2022 йил 9 октябр.

6.5. Пудрат шартномаси амал қилиш муддати 2022 йил 31 декабр.

6.6. Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун ишларни бажариш (1-илова) ва молиялаштириш (2-илова) жадваллари асос ҳисобланади.

7.2. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича жорий (режалаштирилган) йилнинг иш кийматининг 30 фоиз микдорида, бир ойга 30 фоиз аванс маблаги тулас беради.

7.3. Буюртмачи ва Пудратчи ҳар ойда бажарилган қурилиш ва таъмирлаш ишларини “Маълумотнома-ҳисоб-фактура” билан расмийлаштирилади, бунда ишларнинг конструктив элементлари (турлари) бўйича физик ва қиймат кўрсаткичлари 1-иловага асосан акс эттирилади ва “Маҳаллий бюджет ва вазирликнинг жамғармаси” томонидан маблаг ажратилгандан сўнг 2-иловага асосан молиялаштирилади.

7.4. Жорий молиялаштириш ҳар ойда амалда бажариладиган ишлар микдоридан берилган аванс микдорини ушлаб қолиб, объектнинг шартномавий қиймати 95 фоизи микдорида амалга оширилади.

7.5. Пудратчи обьект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича обьектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар обьектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.6. Объектнинг шартномавий бажарилган ишлар қийматидан 5 фоиз микдоридаги маблаг мазкур шартномада белгиланган кафолат муддати (объектга тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилиб тақдим этилгандан) тугагандан сўнг, лекин кафолат муддати тугаган молиявий йил якунланмасдан олдин молиялаштирилади.

7.7. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб 3 кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу хақда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор килган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритишни талаб қилиш ёки шартномани бир томонлама ўрнатилган тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Буюртмачи обьектда ўз вакилини - техник назоратчини тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар ҳажми ва сифати устидан техник

назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.

8.2. Техник кузатувчи ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиксиз танишиш ҳуқуқига эгадир.

8.3. Пудратчи техник кузатувчини ишлаш учун жой билан таъминлади. Техник кузатувчи Пудратчи томонидан ўтказиладиган, таъмирлаш обьектида ишларни амалга ошириши чогида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.

8.4. Пудратчи обьектда бажарилган ишларнинг ҳажмларини ижро ҳужжатларини, килинган сарф-харажатларни Буюртмачи томонидан мазкур обьект учун биринчилигидан техник кузатувчи билан ҳар ойнинг 20 кунидан 25 кунигача обьектнинг ўзида кўриб чиқади ва тўлиқ маълумотни (белгиланган тартибда ижро ҳужжатлари билан) ойнинг кунига қадар бажарилган ишлар ҳисботини "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси Лойиҳаларни молиялантириш ва қурилишни ташкил этиш бўлимига топширилади

8.5. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан обьектда ишларни бажаришни мустакил равинида ташкил этади.

8.6. Обьектда умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисбланади.

8.7. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва обьектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нуқталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.

8.8. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан обьектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқлариниши мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

8.9. Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.10. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.11. Қурилиш майдонида ишларни бажариши даврида коммуникацияларни вақтинча уланини ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.12. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлади.

8.13. Алоҳида масъулиягли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланнишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ёзма равишда хабардор қиласи.

8.14. Ёнилиб кетадиган ишларни уларнинг ҳар бир тури (босқичи) бўйича қабул қилиб олиш уларнинг кейинги тур (босқич) ишлари бошлангунга қадар бажарилишига қараб амалга оширилади. Ишларни қўйидаги таркибдаги комиссия қабул қилиб олади: Буюртмачининг вакили – техник назоратчи (раис), пудратчи ташкилот вакили – иш бажарувчи ёки уста, лаборант ва геодезист (зарур ҳолларда), обьектга хизмат кўрсатадиган юқори ташкилоти вакили, лойиҳа ташкилоти вакили (кўтариб турувчи конструкцияларни қабул қилиб олишда). Ёнилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш натижалари ўрнатилган шакл бўйича далолатнома билан расмийлаштирилади, унда қабул

қилинадиган ишларниң лойиҳа, норматив-техник ҳужжатлар, стандартлар талабларига мувофиқлик даражаси акс эттирилади, шунингдек қабул қилинадиган ишларга баҳо ва ишларниң кейинги турларини бажаришга рухсат берилади. Далолатномага ўлчовлар кайдномаси ва лаборатория синовлари натижалари илова қилинади.

8.15. Пудратчи Буюртмачининг қурилиш ва таъмирлаш ишларини бажарилишини юритиш дафтарларига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингина кейинги ишларни бажаришга киришади.

8.16. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу хақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларниң исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.17. Пудратчи Буюртмачининг маңбаатларига жиддий таъсири қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишиларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларниң қурилиш сифатига ва қийматига таъсири этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.

8.18. Объектда қурилини жараёнида технологик жараён олиб борилишининг тўғрилиги, бажариладиган ишлар ҳамда фойдаланиладиган материалларниң сифати юзасидан техник назоратни амалга ошириш, шунингдек ёпилиб кетадиган ва оралиқ ишларни қабул қилиб олишда Буюртмачи томонидан комиссия таркибида иштирок этиш учун ушибу объектдан фойдаланувчи ташкилотни жалб этилиши мумкин.

8.19. Объектниң бажарилган ишлари ва тугалланган объектларини ойлик (оралик) қабул қилиб олиш буюртмачи ва пудратчи томонидан расмийлаштирилади. Бажарилган ишларни ойлик (оралик) қабул қилиб олиш натижалари белгиланган шаклда маълумотнома-ҳисоб-фактура билан, миқдор ва қиймат кўрсаткичлари ҳисоб-китоб жадвалида акс эттирилган ҳолда белгиланган шаклда расмийлаштирилади.

8.20. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг ёрдамчи пудратчилари томонидан ишларниң сифатенз бажарилганини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари ва маблағлари ҳисобидан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келинишлган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

8.21. Пудратчи қурилини майдонини ва унга туташ участкалари ва йўлакларни сунуриб-сандиради ва озода саклайди.

8.22. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи қурилиш-монтаж ишларни бажарилишини юритиш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларниң борини, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, ишларниң қабул қилиб олинини, ўтказилган синовлар, кунлик ўртacha ҳаво ҳарорати ва ёғингарчиликлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсири қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

8.23. Агар Буюртмачи ишларниң борини ва сифатидан ёки Пудратчининг кайдларидан кониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қиласди.

8.24. Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни З кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ ҚЎРИКЛАШ

9. Пудратчи таъмирлаш ишлари бошланишидан тугаллангунгача ва қайта қуриш ишлари тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилгаи қурилиш майдони ҳуудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва боинка мол-мулк зарур даражада қўрикланишини таъминлайди.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

10.1. Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари - бу томонларнинг иродаси ва фаолиятларига bogлиқ bўlmagan табиат ходисалари (зилзила, кўчки, бўрон, курғокчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, камал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдигац ва кутилмаган ҳолатлардир.

10.2. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундан қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

10.3. Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзага келтирган вактга муганосиб равишда узайтирилади.

10.4. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга нўзилса, у холда Пудратчи ва Буюргачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилини учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама киладилар.

10.5. Агар томонлар икки ой ичидаги келиша олмасалар, у холда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛШИ ВА ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШ

• 11.1. Қурилши ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш саисида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ, мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилши ва таъмирлаш ишлари тугалланган объектларни фойдаланишига қабул қилиб олиш шаҳарсозлик нормалари, қоидалари ва стандартларига асосан амалга оширилади.

11.2. Қурилши обьекти ёки унинг участкалари (ишга тушириш мажмуалари) объектнинг тугалланганилиги ва у қабул қилиб олишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчи ташкилотининг хабарномасидан кейин жамоатчилик комиссия томонидан фойдаланишига қабул қилинади.

11.3. Пудратчи ташкилот жамоатчилик комиссияга қўйидаги ҳужжатларни такдим этади:

- қурилши ва таъмирлаш ишларини амалга оширишда иштирок этган ташкилотлар томонидан бажарилган ишларнинг турлари ва ҳажмлари ҳамда масъул ижрочилари кўрсатилиган ҳолдаги рўйхати;

- ёнилиб кетадиган ишларни қабул қилиб олиш далолатномалари;

11.4. Объектшар уларнинг фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма билдиришномаси асосида Буюргачи томонидан белгиланган тартибда қабул қилиб олинади.

11.5. Пудратчи қайта қуриш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланинидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюргачига Пудратчи томонидан белгиланган таркибда икки нусхада ижро ҳужжатларини беради. Пудратчи Буюргачига ушбу ҳужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаши керак.

11.6. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб обьект давлат мулкига айланади ва ўринатилган тартибда объектлардан фойдаланиш корхонаси балансига ўтади.

XII. КАФОЛАТЛАР

12.1. Пудратчи:

- барча ишлар түлиқ хажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддаттарда бажарилишини;

12.2. смета ҳужжатларига ҳамда курилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни сифатли бажариши;

12.3. ўзи томонидан қурилиш ва таъмирлаш ишлари учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг смета ҳужжатларидаги кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларига мувофиқлигини;

12.4. смета ҳужжатларидаги бажарилиши кўзда тутилган иш ҳажмлари Пудратчи томонидан тўлиқ ва сифатли килиб бажарилиб, айрим иш ҳажмлари ва харажатлар смета ҳужжатларидаги кўзда тутилган маблағлардан амалда иқтисод қилинса, ушбу маблағни айрим харажатлар бўйича кўрилиши мумкин бўлган зарарни ва қўшимча бажарилиши лозим бўлган иш ҳажмлари харажатларини қоплани учун объектнинг умумий қиймати доирасида асословчи ҳужжатлар асосида Буюртмачини хабардор қилган ҳолда йўналтириши мумкин ва ушбу иш турларига смета-хужжатларини тайёрлатиш;

12.5. шартномада белгиланган кафолат муддати мобайнида объектдан фойдаланиш жараёнида нуқсонлар ва чала қилинган ишлар аниқланганда, ўз хисобидан бепул бартараф этишини;

12.6. объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиши қоидаларига мувофиқлигини кафолатлади.

12.7. Объект ва уига кирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қайта қуриш тугалланган объектни қабул килиб олиши тўгрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлиб 12 ой этиб белгиланади.

12.8. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгугина қадар фойдаланиши давом этириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз хисобидан бартараф этилади.

12.9. Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг иккى томонлама далолатномасида қайд этилади.

12.10. Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичida бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

12.11. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзоланидан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чишиш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича тегишли судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

13.1 Буюртмачи:

- шартнома кучга киргандан кейин ишларнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечикирилганда;

13.2. ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда;

13.3. Пудратчи томонидан бажарилган курилиш ва таъмирлаш ишларига бажарилганини юзасидан хисоб-фактурасини расмийлаштириб бир ой ичida тоширилмаган ҳолда;

13.4. Пудратчи томонидан шартнома шартлари курилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифаги пасайинишига олиб келадиган даражада бузилганда;

13.05. Буюртмачи қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.6. Пудратчи:

- Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
- қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

13.7. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма карорига кўра тугалланмаган таъмирлан 15 кун муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

13.8. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим коидасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

13.9. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарурин, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

13.10. Шартнома куйидаги холатлардан бирон-бигитаси мавжуд бўлганда, шартнома буюртмачи томонидан бир томонлама бекор қилиниши мумкин;

13.11. Шартнома шартларига риоя қилинмаганда ёки шартнома шартлари бузилганда ёхуд бажарилмаганда шунингдек сифатли бажарилмаганда;

13.12. Пудратчи шартномада келтирилган ишларни камида 70%ни шахсан ўзи бажариш учун етарли куч ва воситаларга эга эмаслиги маълум бўлган вактдан бошлаб;

13.13. Пудратчи шартномада назарда тутилган ишларнинг тўлик хажмига кўра 60% кам бўлмаган миндорини ўзи ва колган 30% дан ошмаган қисмини ёрдамчи пудратчи томонидан амалга оширилишига рухсат беришини сўраб "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси ижро этувчи директорига мурожаатнома ёзиш тартибини бузганда, яъни мурожаатнома умумий иш бошланишидан олдин ёзилмаганлиги;

• 13.14. Пудратчи умумий иш бошланишидан олдин ўз имкониятлари умумий иш хажмининг 60%ни шахсан ўзи томонидан амалга оширишга етмаслигини яширганлиги.

XIV. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

14.1. Томонлардай бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонда етказилган заарларни қоплайди;

14.2. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юритувчи субъектлар фаoliyatining шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Конунида, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

14.3. Курилини ва таъмирлаш ишларини олиб бораётган Пудратчи ташкилот қонунчиликка асосан шартномага мувофиқ буюртмачи олдида қуйидаги ишлар бўйича мулкий жавобгардир:

- сифатиз бажарилган қурилини ва таъмирлаш ишлари;
- объектини ҳамда унинг босқичлари ва навбатларини белгиланган муддатда тугалламагани;
- буюртмачи билан тузилган шартнома асосида қурилиш ва таъмирлаш ҳамда боника иҳтиёслаштирилган ташкилотлар томонидан ускуналарни монтаж қилиш муддатлари бузилини;
- объектиning смета ҳужжатларида белгиланган ерларни рекультивация қилиш ишлари бажарилиши ҳамда муддатларининг бузилиши;
- қурилини ва таъмирлаш жараённида ёки оралиқ қабул қилишда пудратчи, муаллифлик наторати ва боника назорат органлари томонидан аниқланган конструкция ва ишлардаги йўл қўйиладиган камчиликлар ҳамда нуқсонларни бартараф этишини орқага суриш;
- шартномада кўзда тутилган бошқа мажбуриятларни бажармагани ёки тўла-қонли бажармагани.

14.4. Пудратчи ташкилот томонидан ишларнинг бажарилишида пудрат шартномасидан чекинни ёки бошқа камчиликлар мавжудлигига Буюртмачи, агар қонунчилик ёки шартномада бошқа шартлар кўзда тутилмаган тақдирда, пудратчи ташкилотдан ўз ихтиёрига кўра қуидагиларни талаб килиш хукуқига эга:

- нуксонларни оқилона муддатларда ўз хисобидан бартараф этишин;
- Агар Пудратчи ташкилот нуксонларни келишилган муддатларда бартараф этмаса, Буюртмачи ёки объектдан фойдаланувчи ташкилот ўз кучи билан Пудратчи хисобидан нуксонларни бартараф этиш ҳамда нуксонларни ўз вактида бартараф этилмаганлигидан келтирилган заарни ~~бажарилган~~ иш кийматини ундириш хукуқига эга.

14.5. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганини, ўз вактида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганини учун Буюртмачи Пудратчига кечикирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,1 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси молиялаштирилмаган маблаг кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.6. Пеня ~~тўланиши~~ Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган заарни қоплашдан озод қилмайди.

14.7. Молиялаштиришининг кечикиниши “Махаллий бюджет ҳамда вазирлик жамғармаси” ининг айби билан содир этилса, молиялаштириш бўйича “Буюртмачи” “Пудратчи” ининг олдида жавобгар бўлмайди.

14.8. Пудратчи томонидан обьектни ўз вактида ишга тушириш бўйича мажбуриятлар бузилишни бўлса Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги лозим.

14.9. Буюртмачи томонидан тонилган нуксонлар ва камчиликлар ўз вактида бартараф этилмагани учун Пудратчи Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар кун учун сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 0,2 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар кийматининг 30 фоизидан ошмаслиги керак.

14.10. Пеня ~~тўлдиш~~ Пудратчини ишларни бажарининг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикини туфайли етказилган заарларни қоплашдан озод қилмайди.

14.11. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, курилиш месъёрлари ва ~~қондайларига~~ иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у холда Буюртмачининг хулосаси асосида обьектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчи ~~иди~~ сифати зарур даражада бўлмаган ишлар кийматининг 20 фоизи миқдорида жарима ~~уттириш~~ хукуқига эга.

14.12. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур бацда назарда тутилган жазоардан таниқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан килинган харажатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланнишида, шу тумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган заарларни қоплайди.

14.13. Буюртмачи Пудратчининг бажарилган ишлари ҳажмидан ёки молиявий хисоб-китобларидан ~~никланган~~ камчиликлар натижасида Буюртмачига қайтариладиган маблағлар ва бошқа ~~тъловлар~~ бўйича мажбуриятларини ўз вактида бажармаса, Буюртмачи ушбу маблагларни молиялаштириш учун ажратилган маблаглар хисобидан чегириб қолиш хукуқига эга.

14.14. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажаримаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаринидан ~~сўзл~~ киладиги.

XV. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

15.1. Шартноманың бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган заарларни қоплашида пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун хужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий суди томонидан кўриб чиқилади.

XVI. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

16.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги бирча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келинушувлари ўз учунни йўқотади.

16.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида кисмларига тегишли иш хужжатларини Буюргачининг ёзма рухсатисиз, ёрдамчи пудратчилардан ташқари, бирон-бир учунни томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

16.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий хисобланади.

16.4. Буюргачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равиша тасдиқлаши керак.

16.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар яқунлангандан кейин қурилиш майдонида ўнга тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюргачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳак тўлашни кечикиригинга ҳақлидир.

16.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар бўйича Узбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси ва амалдаги қонун хужжатлари нормалари қўлланилади.

16.7. Мазкур шартномаси томонлар ўз мажбуриятларини тўлиқ бажаргунча амал қиласади.

16.8. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган З нусхада тузилди.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ

БУЮРГАЧИ:

Ўзбекистон журналистика ва оммавий
коммуникациялар университети
Молия вазирлиги
ИНН: 201122919
Х/Р: 23402000300100001010
Марказий банк XKKM Тошкент шаҳри
МФО:00014
ш/в 400110360262667094100079003
ИНН: 305585344

ПУДРАТЧИ:

ЧП "OZODBEK ECO VENT"
Адрес: Таш.область,
Юкоричирчикского р-н, Арганчи КФЙ
р/сч:20208000405158351001

ТОШКЕНТ Ш., "ИПОТЕКА-БАНК"
АТИБ СИРГАЛИ ФИЛИАЛИ

МФО-00978, ИНН: 306 996 229

Директор
Махоналиев О.



Юрист
Н. Эмошова.

